Экология



# Сув — ўлкамиз бойлиги

## ундан тўғри фойдаланайлик

*Ўзбекистонда атроф-муҳит ва уни муҳофаза қилиш муаммоси XX асрнинг сўнгги 70-80-йилларида анча мураккаблашиб, чуқурлашиб, минтақавий ва ҳатто глобал муаммога айланганлиги ҳаммага маълум. Шу ўринда собиқ тузум шароитида экстенсив хўжалик юритиш, ҳудуд салоҳияти ва имкониятларига етарли даражада аҳамият бермаслик жиддий экологик муаммоларни юзага келтирганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.*

*Собиқ совет ҳокимиятининг сўнгги ўн йилликлари мобайнида Ўзбекистонда бир неча миллион гектар янги ер ўзлаштирилди. Лекин, шу даврнинг ўзида бир миллион гектардан зиёд суғориладиган ерлар яроқсиз ҳолга келтирилди.*

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, намликни кўп талаб қилувчи экинлар, биринчи галда пахта майдонининг кенгайтирилиши сувга бўлган эҳтиёжни кескин оширди. Бундай ҳолатни фақатгина Ўзбекистонда эмас, ҳатто Ўрта Осиёнинг барча республикаларида ҳам кузатиш мумкин. Натижада Орол денгизига ва Орол бўйига қуйилаётган сув ҳажми кескин камайди.

Маълумки, Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари учун сув ҳаёт кечиришнинг бирламчи омили ҳисобланади. Зеро, Ўрта Осиё ўлкаси географик жиҳатдан берк ҳавзада жойлашган бўлиб, сув тақсимоти ўлкада ўта нотекис. Айни пайтда ҳудуднинг аксарият қисми текислик, чўллардан иборат. Шу боисдан ҳам ишлаб чиқаришнинг самарали ташкил этилиши ва аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши бевосита сувга боғлиқдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, минтақада табиий-иқлимий шароитнинг мураккаблиги ва, айниқса, сув захирасининг ўта нотекис тақсимланганлиги ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишида, аҳолини ичимлик суви билан мунтазам таъминлаб туришда ўзига хос чора-тадбирларни қўллашни зарурият сифатида илгари суради. Оқибатда, мавжуд сув захираларини тартибга солиш мақсадида кўплаб йирик сув омборлари ва каналлар каби гидротехник иншоотлар бунёд этилди. Мазкур иншоотлар минтақада сув оқимини миқдорий жиҳатдан тартибга солиш имкониятини юзага келтирди, шу билан бир қаторда, кўзда тутилмаган салбий жараёнларнинг, жумладан, қадимдан ўзлаштирилган тупроқларда иккиламчи шўрланиш, ботқоқлашиш ҳамда ювилиш каби ноҳуш ҳолатларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди. Бу эса ўз навбатида, сувнинг нафақат миқдорий, балки сифат кўрсаткичлари ҳисобланган кимёвий минераллашиш даражасида ҳам ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат бирмунча тараққий этган айрим ҳудудларда мавжуд сув захиралари ифлосланиб, деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган. Натижада, бугунги кунда сув тозалигини стандартга жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилаш муаммоси долзарб аҳамият касб этди. Албатта, бу ҳолат мамлакатимиз худудларида турли даража ва кўринишда намоён бўлмоқда. Лекин бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш, сувдан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш келажаги буюк давлат бунёд этишни мақсад қилган мамлакатимиз учун кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур фикр доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг баъзи бир ҳудудларида сувдан фойдаланиш ҳолатига бир назар ташлашни лозим, деб топдик.

Мамлакатимиз иқтисодиётида Фарғона водийси муҳим ўрин тутади. САНИИРИ маълумотларига кўра, Фарғона водийсида суғориладиган ерлар майдони катта (1.200 минг гектар) бўлганлиги сабабли суғориш учун ҳам катта хажмда сув сарфланадию, сарфланган сувнинг 50 фоиздан ортиғи зовурлар орқали Сирдарёга қайтиб тушади. Мазкур сувларнинг минераллашув даражаси ҳар литрда ўртача 2,2 граммни ташкил қилади.

Демак, Сирдарё ҳавзасига энг кўп оқова сувлар водийнинг суғориладиган ерларидан тушади.

Сўх дарёси — Сирдарёнинг йирик чап ирмоқларидан бири. Э. Чемборисов тадқиқотларига кўра, Сўх дарёсида сувнинг минераллашув даражаси йил давомида 0,19 дан 0,25 граммгача ўзгариб туради. Дарё суви таркибидаги турли тузлар миқдорининг ортиб бориши коллектор зовур шоҳобчалари орқали ташланаётган оқова сувлар билан боғлиқ. Ҳозирда оқова сувлар органик ва минерал моддалар билан ифлослантирилмоқда. Уларнинг сув объектларига ташланиши нафақат шу жойдаги, балки узоқда жойлашган аҳоли саломатлигига, атроф-муҳит ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. А. Назаров ҳамда М. Исматованинг маълумотларига кўра, Андижон вилоятида оқова сувларни чиқарувчи 28 та саноат корхонаси фаолият кўрсатаётганлиги натижасида сувларнинг минераллашув даражаси рухсат этилган меъёр (РЭМ)дан 0,5-5,5 марта ортиқ, хлорид ва сульфид билан ифлосланганлик эса меъёридан 11-40 марта кўп.

Наманган вилоятида оқова сувларни чиқарувчи 13та саноат объекти мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида минераллашув даражаси меъёридан кам. Фақатгина аммоний азоти РЭМдан 10-55 марта ортиқ. Мазкур вилоятда ҳам барча корхоналарнинг оқова сувларида нитритларнинг меъёридан 10 ва ундан ортиқ концентрациялари кузатилган.

Фарғона вилояти саноат оқова сувларининг минераллашуви меъёридан 168 мартагача кўплиги аниқланган. Масалан, хлорид РЭМдан 0,1-110 марта, сульфат эса 1,9-73 марта ортиқ. Ушбу меъёрий кўрсаткичларнинг юқори бўлишида Наманган шаҳар аэрация станцияси, Хўжаобод тикувчилик фабрикаси, Риштон шаҳар тозалаш иншоотлари, Фарғона ёғ-экстрация комбинатлари алоҳида ўрин эгаллаб келишган.

Айнан шу каби ҳолатларни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Зарафшон воҳасида ҳам кузатиш мумкин. Зарафшон дарёси воҳа хўжалик фаолиятида қадимдан фойдаланиб келинади.

Мутахассис олимлар Ҳ. Турдиев ва Ҳ. Боймуродовларнинг маълумотларига кўра, Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий шаҳарларида фаолият олиб бораётган 200дан ортиқ саноат корхоналари ўз оқоваларининг 50 фоизини тозаламасдан дарёга ташлаб юборишяпти. Пахта далаларига солинган кўплаб заҳарли химикатлар зовурлар орқали дарёга қайтиб тушиши натижасида унинг суви меъёридан ортиқ ифлосланмоқда. Бунинг оқибатида, Зарафшон воҳасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси келиб чиқмоқда.

Жомбой ва Хатирчи йўналишларининг 20дан ортиқ турли саноат ва бошқа корхоналари канал ҳамда коллектор ёқаларида жойлашган. Улардан чиқаётган ҳамма ифлос оқовалар дарёга сизиб ўтмоқда ва ер ости сувларини булғамоқда. Шунингдек, заҳарли кимёвий ўғитларнинг гоҳо тўғридан-тўғри ертўлаларда сақланиши уларнинг ёмғир сувлари таъсирида эриб, ер ости ва усти сувларига қўшилишига олиб келмоқда. Ана шулар таъсирида дарё сувида азотли бирикмалар, оғир металл ионлари, феноллар, нефть маҳсулотларининг миқдори меъёридан 5-6 марта кўпдир. Булар, ўз навбатида, аҳоли ўртасида турли хил юқумли, ошқозон-ичак касалликларининг кўплаб тарқалишига сабаб бўлмоқда. Зарафшон воҳаси аҳолиси гепатит касаллиги билан оғриши бўйича республикада олдинги ўринларда туради. Бунда эса аҳоли учун асосий ичимлик сув манбаи бўлган Зарафшон дарёси суви ифлосланишининг таъсири катта.

Сурхондарё ҳавзасида саноат ва айниқса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши сув таркибига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳудудда сув таркибининг турли хил пестицидлар билан ифлосланиши, А. Назаров маълумотига кўра, Жанубий Сурхон сув омборининг қуйи қисмида ва Сурхондарёнинг бошланиш оқимида РЭМдан 3,1 ва 9,3 маротаба юқори.

Бу сув омборида катта миқдордаги пестицидларнинг тўпланиб турганлигидан ва ундан чиқаётган сув таркибига қишлоқ хўжалик оқова сувлари қўшилиши ҳисобига зарарланиш кўрсаткичлари ошиб боришидан далолат беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, пестицидлар билан дарё суви ифлосланишининг юқори кўрсаткичлари ёз ойларида ва, айниқса, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш мавсумида кузатилади.

Ўзбекистонда ичимлик сувидан тўғри фойдаланиш ва уни иложи борича тоза сақлаш долзарб муаммога айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистонга келадиган сувларнинг сифати Қирғизистон, Тожикистон Республикаларига ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Чунки, қўшни республикаларда шаклланган оқар сувлар ифлосланиб, ҳатто радиацияланиб Ўзбекистон ҳудудига кириб келмоқда ва юқорида қайд этганимиздек, сув янада ифлосланмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда сувни ҳар томонлама муҳофаза қилиш фақат бизгагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатларига ҳам боғлиқдир. Чунки, бу ҳудуднинг ер усти, ер ости сув ресурслари ўзига хос берк ҳавзада шаклланади, сарф бўлади ва ифлосланади. Шунинг учун ўлкамиз сувидан тежаб фойдаланиш ва уни тоза сақлаш ҳаммамизнинг савобли ишимиздир.

**Азиза ХУДОЙБЕРГАНОВА,**
**Тошкент Молия институти талабаси.**

# Унутмас мени боғим

Тадбир

*Оташнафас шоир Усмон Носир ҳаёт бўлганида ҳозир 90 ёшга қадам қўярди. У гарчи қисқа умр кечирган бўлса-да, ибрат бўлгулик мерос қолдирди. Киши дилига нафислик олиб кирувчи шеърлари билан унутилмас сиймога айланди.*

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Усмон Носирни хотирлаш тадбири бўлиб ўтди. Унда элнинг бир қатор таниқли шоир ва ёзувчилари иштирок этдилар.

— Биз бугун адабиётимизнинг улкан намояндаларидан бирини хотирлашга йиғилдик, — дея сўз бошлади тадбирни очган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Усмон Носир деганда кўз олдимизда забардаст, хушбичим шоир гавдаланади. Унинг шеърларидаги жозиба ҳар бир шеърият ихлосмандининг қалбидан жой олмоғи тайин. Шоир «Унутмас мени боғим», дея куйлаганда ана шу абадиятни башорат этган бўлса, не ажаб.

Анжуманда шунингдек Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева ва бошқа ижодкорлар сўзга чиқиб, Усмон Носирга бағишланган шеърларини ўқиб бердилар.

Кеча сўнггида атоқли шоир Усмон Носир таваллудининг 90 йиллигини жойларда ҳам ўтказиш кўзда тутилганлиги айтиб ўтилди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Банк тизимини эркинлаштириш:

# Янги босқич вазифалари

Турли давлат бошқарув идоралари, ташкилотлар ва муассасалар вакилларининг Кенгаш йиғилишларида иштирок этиши Кенгаш фаолияти ва у томондан қабул қилинаётган қарорларнинг коллегиаллигини таъминлашга, шунингдек, қабул қилинаётган қарорларни амалга ошириш механизмини яратишга қаратилгандир.

Шундай қилиб, ушбу органнинг бош вазифаси банк-молия тизимининг самарали фаолият юритиши ва уни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашишдан иборат.

**— Тизимли таҳлил асосида макроиқтисодий ва бюджет сиёсати билан узвий боғланган пул-кредит сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланган. Ушбу вазифанинг муҳимлиги нималардан иборат ва у амалиётда қандай ҳал этилади?**

— Мазкур масаланинг муҳимлиги шундаки, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш бевосита турли иқтисодий идоралар саъй-ҳаракатларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва мувофиқлаштирилганлик даражасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Кенгаш зиммасига макроиқтисодий ва бюджет сиёсати билан узвий боғлиқ ҳолда пул-кредит сиёсатини шакллантириш ҳамда уни амалга оширишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Уларнинг иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг мақсад-вазифалари ва устувор йўналишларига, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларига, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида қабул қилинган ялпи дастурларга мос келишини аниқлаш бунга асос бўлиб хизмат қилади. Зарур ҳолларда Кенгаш пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари ва параметрларига тегишли тузатишлар киритишни таклиф қилиши мумкин.

**— Ҳозирги пайтда республикамизда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул тизимини мустаҳкамлаш, банкдан ташқари муомалани қисқартиришга катта эътибор берилмоқда. Мазкур масалалар юзасидан таклифлар тайёрлаш республика Банк кенгаши ваколатларидан биридир. Ҳақиқатдан ҳам бу муаммолар шунчалик долзарбми? Қандай қилиб уларни ҳал этиш мумкин?**

— Ҳа, чиндан ҳам, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва унинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш долзарб масала ҳисобланади. Йирик ҳажмдаги банкдан ташқари муомаланинг мавжудлиги иқтисодий ҳаётнинг кўпгина соҳаларига кучли салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, юритилаётган пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги кескин пасаяди, солиқдан бўйин товлаш кўлами кенгаяди, миллий валютанинг айирбошлаш курси беқарорлашади ва, охир-оқибатда буларнинг барчаси миллий валюта барқарорлигининг пасайишига олиб келади.

Кенгаш ўзининг мувофиқлаштирувчи вазифасидан келиб чиқиб, ушбу муаммони бошқа чора-тадбирлар билан биргаликда кўриб чиқади. Мамлакатимизнинг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган корхоналарини ривожлантириш, истеъмол бозорларини тўлдириш, шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатини оширишни ана шундай чора-тадбирлар сирасига киритиш мумкин.

**— Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг Инвестиция жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш масалалари Республика Банк кенгашининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Уларнинг муҳимлиги нимада?**

— Сиз ҳақсиз, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ва уларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини фаоллаштириш каби масалалар муҳим ўрин тутади. Ҳаммага яхши маълумки, бутун дунёда банкларнинг фаолияти фақат ишонч асосида қурилади. Республикамиз банк тизимида ҳам бусиз ҳеч қандай ривожланиш бўлмайди. Шунинг учун жамоатчилик ва тадбиркорлик тузилмаларининг банк соҳасига бўлган ишончини оширишга қаратилган чора-тадбирларни давом эттириш жуда муҳимдир.

Бу эса ўз навбатида аҳолининг пул маблағларини банк оборотига жалб қилиш учун иқтисодий рағбатлантириш воситаларини яратиш ва уларни мустаҳкамлашни талаб қилади. Шу боис аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, тижорат банкларининг мустақиллигини ва барқарорлигини ошириш Кенгаш фаолиятининг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Маълумки, банкларнинг таркибий ислоҳотларда фаол иштирок этиши иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартидир. Банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторига мақсадли инвестицияларни киритиши мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи салоҳиятни шакллантириш имконини беради.

Шундай қилиб, Кенгаш томонидан аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда тижорат банкларининг таркибий ислоҳотлардаги иштирокини рағбатлантириш юзасидан аниқ таклиф ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

**— Валюта сиёсатини янада эркинлаштириш ҳамда у билан боғлиқ масалалар, умуман, банк тизимини такомиллаштириш ва унинг жаҳон молия тизимига кенг қўшилувини таъминлаш масалалари Кенгаш мажлисларида кўриладиган асосий масалалар сирасига киради. Бунинг боиси нимада? Ушбу соҳадаги айнан қайси масалалар Кенгаш томонидан кўриб чиқилади?**

— Сўнгги йилларда иқтисодий ислоҳотлар дастурида валюта сиёсатини эркинлаштириш масалаларига муҳим ўрин берилмоқда. Бу эса Президентимизнинг ушбу Фармонида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш ва республика банк тизимини такомиллаштириб бориш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Шу муносабат билан Кенгаш ишида банклараро валюта бозорини ривожлантириш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, олтин-валюта захиралари кўпайиб боришини таъминлаш ва мамлакат валюта ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш режалаштирилмоқда.

Миллий валюта айирбошлаш курсини белгилашнинг бозор механизмларини такомиллаштириш, валюта бозорига кириш тартибини соддалаштириш, республиканинг олтин-валюта захираларини самарали бошқаришга оид таклифларни ишлаб чиқиш ана шундай чора-тадбирлар сирасидандир.

Банклараро муносабатлар механизмини яхшилаш, тижорат банкларининг мустақиллигини, ишончлилигини ошириш ҳамда уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш орқали умуман республика банк тизимини такомиллаштириш масалаларига Кенгаш ишида муҳим ўрин ажратиш режалаштирилмоқда.

Халқаро молия-кредит тизимига босқичма-босқич интеграциялашиб бориш, чет эл капитали учун ички молия бозорини очиш юзасидан изчил чора-тадбирлар қўрилиши республика банк тизими учун ғоят муҳимдир. Мамлакатимиз банкларининг халқаро кредит рейтинги олишлари, кейинчалик ушбу рейтингнинг ошиб бориши ва уларнинг аста-секин халқаро молия тизимига кириб боришлари бу соҳада катта ёрдам беради.

**— Равшан Аюпович, Фармондан сўнг Ҳукумат қарорининг қабул қилиниши улар ўртасида муайян боғланиш борлигини кўрсатиб турибди. Бу хусусда сиз нима дея оласиз?**

— Улар чиндан ҳам бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ҳужжатлардир. Фармонга биноан, республика Банк кенгаши зиммасига ҳал этилиши ғоят хилма-хил масалаларни кўриб чиқишни тақозо этадиган туркум вазифалар юклатилган.

Маълумки, кўплаб мамлакатларда қарорлар қабул қилишда амалий ва фундаментал тадқиқотларнинг мустаҳкам негизига таянилади. Тадқиқотлар натижалари давлат иқтисодий сиёсатини шакллантириш жараёнида ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда иқтисодиёт соҳасида қатор илмий-тадқиқот марказлари ишлаб турибди. Лекин бугунги кунга келиб, банк-молия тизимини янада ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришни прогнозлаш, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги асосий устуворликлар ва мақсадли вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш юзасидан муқобил таклифлар ишлаб чиқишга қодир бўлган мустаҳкам илмий-услубий негизли муассасани ташкил этиш зарурати туғилди. Ташкил этилган институт республика банк-молия тизими ривожининг ҳозирги ҳолатида чуқур тизимли таҳлилларни амалга оширадиган муассаса бўлиб қолиши лозим.

Қарорга мувофиқ, институт республика Банк кенгашининг ишчи органи ҳисобланади ва у Кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарорларининг негизини ташкил этадиган мустаҳкам пойдеворни шакллантириб бориши лозим.

АБИТУРИЕНТ — 2003!

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ФУНДАМЕНТАЛ ВА ГУМАНИТАР ТАЪЛИМ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

- радиоэлектроника ва автоматика;
- компьютер технологиялари;
- менежмент, бизнес бошқаруви ва иқтисод;
- энергетика;
- механика ва қишлоқ хўжалик машиналари;
- нефть ва газ;
- тоғ-кон ва геология

йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларига — тестга мукаммал технология асосида тайёрланишни хоҳлаган ёшларни (жумладан, 10-11-синф ўқувчиларини ҳам)

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.



*Марказда математика, физика ҳамда ўзбек, инглиз ва рус тилларидан дарсларни университетнинг юқори малакали ўқитувчилари олиб боради.*
*Ўқиш муддати 8,7,6,5 ва 3 ой. Вилоятлардан келган ёшлар ётоқхона билан таъминланади.*
*Ўқиш 1 декабрдан бошлаб, гуруҳлар ташкил бўлишига қараб, ҳар ойнинг биринчи кунидан бошланади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.*

**Бизнинг манзил: Университет кўчаси, 2-уй (Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, 6-қават, 600-хона, 7-қават, 742-хона, «1-Олий математика» кафедраси, 7-қават, 705-хона).**
**Мурожаат учун телефонлар: 46-48-30, 46-61-17, 46-86-22 (ички телефонлар: 278, 270, 495, 438).**

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА
«ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ
АҚШ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ГРАНТЛАР АСОСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН
СОЯ ДОНИНИ
МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — СЎМГА СОТИШГА ОЧИҚ САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ДИҚҚАТ

«Тошкент алоқа коллежи компьютер синфини жиҳозлаш ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Телематика тизимлари», «Почта алоқаси» ва «Ахборот технологиялари» кафедраларини компьютер воситалари билан жиҳозлаш» лойиҳаси бўйича

ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2002 йил 22 ноябрдан бошлаб, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштириладиган «Тошкент алоқа коллежи компьютер синфини жиҳозлаш ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Телематика тизимлари», «Почта алоқаси» ва «Ахборот технологиялари» кафедраларини компьютер воситалари билан жиҳозлаш» лойиҳаси бўйича тендерда иштирок этиш учун дастлабки танлов ўтказишини эълон қилади.

Компьютер ва тармоқ қурилмаларини ишлаб чиқариш ёки етказиб беришга ихтисослашган компания ва фирмалар танловга таклиф этилади.

Тендерда иштирок этиш, керакли ҳужжатлар ва шартлар тўғрисидаги маълумотларни 2002 йилнинг 22, 23 ва 25 ноябрь кунлари маҳаллий вақт билан соат 10.00 дан 15.00 гача Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: 137-45-49, 137-45-26, факс: 139-87-82.**
**e-mail: depikvppis@uzapt.uzpak.uz**

*Тендерда иштирок этиш учун буюртмалар 2002 йил 28 ноябрь соат 18.00 гача қабул қилинади.*

**Тақдим этилган таклифлар жойлаштирилган жилдларни очиш маросими 2002 йилнинг 29 ноябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлиб ўтади.**

